

Шартнома №2-22

Нукус тумани

23-май 2022-йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Нукус тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими Устав асосида иш кўрувчи Т.Аташов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “PROM ENERGO” МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Б.Казимбетов иккинчи томондан (*Нукус тумани “Тоқиркол” ОФЙ “Кизиласкер” қишлоғи ҳудудида трансформатор подстанциясини ўрнатиш*) объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (17.05.2022 даги лот 83176-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 48 918 797 сумни ташкил этади.

Шуннан

Умумий кўрилиш пудират ишлари учун 47 584 037 сум (*қуриқ етти миллион беш юз сақсон тўрт минг өттиз етти*) сум ҚҚС билан бирга, лойха смета хужжатлари учун ҚҚС билан бирга 713 761 сум (*етти юз он уч минг етти юз олтмиш бир*) сум ва экспертиза хуласаси учун ҚҚС билан бирга эса 621 000 (*олти юз йигирма бир минг*) сумни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1 -иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш

майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказиши, бу 14 675 639,1 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 85 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

Ишларни қўриқлаш

19. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

20. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

21. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

22. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

23. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

24. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

25. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

Кафолатлар

26. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

27. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Шартномани бекор қилиш

29. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

32. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

33. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

34. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

35. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

36. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

37. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

38. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида баргараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

39 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

40. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Низоларни ҳал этиш тартиби

41. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Алоҳида шартлар

42. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

43. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

44. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

45. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

47. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

48. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

48.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача

КОРРУПТСИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

49. Шартнома бўйича өз мажбуриятларинини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тәминлайди; йәни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефитсиари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига йоқидавлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш йоқи пора беришда воситачилик қилишда, моддий йоқи номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

50. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда йоқи асосли гумонлар юзага келганида дарҳол йозма равишда (электрон почта орқали) йоқи ишонч телефони (78-150-26-03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида йозма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (өн) иш кунини мобайнида тушинтириш бериши йоқи өз фикрини билдириши мумкин.

51. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартарафетилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга йоқи унинг ижросини тәхтатиб қөйиши мумкин.

тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон еса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли емас.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Пудратчи:

“PROM ENERGO” МЧЖ
ИНН 306 578 351

Юридик манзил:

Қорақлпоғистон Республикаси Нукус шаҳар башқуртстан кучаси № 20-уй
Тел 97 354-53-52
х/г 2020 8000 7051 0139 7001
МФО: 01038
Банк: Капитал банк Нукус филиал
ОКНХ: 61110 ОКЕД: 41202

Бошлиқ



Б.Казимбетов

Буюртмачи:

Нукус тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими
ИНН. 207 316 480

Юридик манзил:

Нукус тумани Акмангит ШФИ
Дарсан кушаси №32 уй,
sh/x: 401722860352257011906259003
Нукус тумани буйиша Ҳазначилик бўлимаси

ИНН: 201 122 919
х/р 23402000300100001010
МФО: 00014

Ўз Рес Марказий Банк Тошкент шаҳар

Тошкilot раҳбари



Т.Аташов

Имзо: *Искандер*

«TASTIYIQLAYMAN»
Nókis rayoni Máhálle hám shańaraqtı
qollap-quwatlaw bólimi baslıǵı
T.Atashov
«20» May 2022-jil

Nókis rayoni Taqirkol APJ Shorkol posyolkası turǵınlarına elektr taminatın jaqsılaw ushın 100 kVA transformator ornatiw jumısların ámelge asırıw boyınsha tańlaw komissiyasınıń eń jaqsı usınıslardı tańlap alıw boyınsha ótkerilgen elektron bayanlaması 2

2022-jil «20» May

Nókis rayoni

<u>Komissiya baslıǵı</u>	T.Atashov	Нокис районы Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi baslıǵı, komissiya baslıǵı
<u>Komissiya ag'zaları</u>	I.Erjanov	Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası
	B. Usenbaev	Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası
	Q.Jumanazarov	Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi esapshısı
	A.Abdijabbarov	Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bóliminiń xojalıq isleri meńgeriwshisi
	M.Қойшыбаев	«Ақманǵıt» PPJ baslıǵı, komissiya xatkeri (dawıs beriw huqıqına iye emes)

KÚN TARTIBI:

Нокис районы Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi - Таńlap alıw komissiyası baslıǵı T.Atashov májiliste tańlaw komissiyasınıń 5 aǵzasınan 5 adam qatnasıp atırǵanlıǵın aytıp ótip, tańlaw komissiyası májilisin ashıq dep járiyaladı.

Tańlaw komissiyası xatkeri tańlaw komissiyasına tómendegi maǵlıwmatlardı usındı:

Ózbekstan Respublikası 2021-jil 22-apreldegi 684-sanlı «Mámleketlik satıp alıwlar haqqında»ǵı Nızamı (tekstte keyingi orınlarda- Nızam) 62-statyasına muwapıq 2022 jil 12-may kúni № 22110012083590-sanlı lot penen Taqirkol APJ Shorkol posyolkası turǵınlarına elektr taminatın jaqsılaw ushın 100 kVA transformator ornatiw jumısların ámelge asırıw jumısların alıp barıw ushın arnawlı informatsion portalǵa (<http://xarid.uzex.uz/>) jaylastırılǵan daǵaza boyınsha, kelgen usınıslardıń ishinen jeńimpazı tańlaw komissiyası tárepinen anıqlanıp, tańlap alıw nátyjeleri boyınsha 2022-jil 17-may kúni arnawlı informatsion portalǵa elektron bayanlaması jayǵastırıldı. 2022-jil 17-may kúni elektron bayanlaması boyınsha hesh qanday shaǵım kelip túspedi.

Ózbekstan Respublikası «Mámleketlik satıp alıwlar haqqında»ǵı Nızamı talaplarına hámde joqarıda kórsetilgen maǵlıwmatlardı esapqa alıp Talaw komissiyası

QARAR ETEDI:

1. Taqirkol APJ Shorkol posyolkası turǵınlarına elektr taminatın jaqsılaw ushın 100 kVA transformator ornatiw jumısların ámelge asırıw jumısların isletiw ushın ótkerilgen tańlap alıwda tańlaw hujjetleri hám tańlaw shartleri boyınsha eń jaqsı shártlerdi usınǵan hám tańlap alıw jenimpazı dep tabılǵan OOO «PROM ENERGO menen shartnama duzilsin.

usingan hám tańlap alıw jenimpazi dep tabilgan OOO " PROM ENERGO " menen shartnama duzilgin.

2. Jenimpaz tańlap alıw shártleri tiykarında shártnama dúziwden bas tartqan jaǵdayda shártnama dúziw huquqı keyingi qatnasıwshı (rezerv) etip " NUKUS ELEKTROMONTAJ " MSHJ belgilensin. Bunda jenimpaz qatnasıwshı usnis etken summasınan aspaǵan muǵdarda shártnama dúziw múmkinligi belgilep qoyilsin.

3. Nizam talaplarına muwapiq tańlaw qatnasıwshılarınıń usnisların kórip shıǵıw hám bahalaw múddeti usnislar beriw tamam bolıwınan 10 (on) kúنینen asıp ketiwi múmkin emesligi maǵlıwmat ushın qabil etilsin.

4. Mekemenin esapshısı – Q.Jumanazarovqa tańlap alıw juwmaǵı boyınsha jenimpazi menen shartnama hujjetlerin tayarlaw hámde shártnama dúzilgen soń 3 (úsh) jumis kúni ishinde, arnawlı informatsion portalına (www.xarid.uz) jaylastırıw tapsırılsin. Tańlaw komissiyası xatkeri, M.Qoyshibaev usi tańlap alıwǵa tiyisli barlıq hujjetlerdi belgilengen tártipte saqlanıwın támiynlesin.

Qatnasıwshılar

Komissiya baslıǵı

T.Atashov Nokis rayoni Máhálle hám shańaraqtı qollap- quwatlaw bólimi baslıǵı, komissiya baslıǵı


Komissiya ag'zalari



I.Erjanov Nokis rayoni Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası



B. Usenbaev Nokis rayoni Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası



Q.Jumanazarov Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi esapshısı



A.Abdijabbarov Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bóliminiń xojalıq isleri meńgeriwshisi



M.Қойшыбаев Nokis rayoni «Aqmangıt» PPJ baslıǵı, komissiya xatkeri (daws beriw huqıqına iye emes)

usingan hám tańlap alıw jenimpazi dep tabilgan OOO " PROM ENERGO " menen shartnama dúzilgin.

2. Jenimpaz tańlap alıw shártleri tiykarında shártnama dúziwden bas tartqan jaǵdayda shártnama dúziw huquqı keyingi qatnasıwshı (rezerv) etip " NUKUS ELEKTROMONTAJ " MSHJ belgilensin. Bunda jenimpaz qatnasıwshı usnıs etken summasınan aspaǵan muǵdarda shártnama dúziw múmkinligi belgilep qoyılsın.

3. Nizam talaplarına muwapiq tańlaw qatnasıwshılarınıń usnısların kórip shıǵıw hám bahalaw múddeti usnıslar beriw tamam bolıwınan 10 (on) kúنینen asıp ketiwi múmkin emesligi maǵlıwmat ushın qabil etilsin.

4. Mekemenin esapshısı – Q.Jumanazarovqa tańlap alıw juwmaǵı boyınsha jenimpazi menen shartnama hujjetlerin tayarlaw hámde shártnama dúzilgen soń 3 (úsh) jumis kúni ishinde, arnawlı informatsion portalına (www.xarid.uz) jaylastırıw tapsırılsın. Tańlaw komissiyası xatkeri, M.Qoyshıbaev usi tańlap alıwǵa tiyisli barlıq hujjetlerdi belgilengen tártipte saqlanıwın támiynlesin.

Qatnasıwshılar

Komissiya baslıǵı

T.Atashov Nokis rayonı Máhálle hám shańaraqtı qollap- quwatlaw bólimi baslıǵı, komissiya baslıǵı


Komissiya ag'zaları



I.Erjanov Nokis rayonı Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası




B. Usenbaev Nokis rayonı Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi bas qaniygesi komissiya aǵzası



Q.Jumanazarov Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bólimi esapshısı



A.Abdijabbarov Máhálle hám shańaraqtı qollap-quwatlaw bóliminiń xojalıq isleri meńgeriwshisi



M.Қойшыбаев Nokis rayonı «Aqmangıt» PPJ baslıǵı, komissiya xatkeri (dawıs beriw huqıqına iye emes)